

**Учқўрғон туманида 2022 йилда ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган чора-тадбирлар дастури 5 та йўналишдан иборат бўлиб, 90 та бандни ўз ичига олган.**

**Жумладан,**

**1. “Ёшлар баланси” асосида “маҳаллабай” ишлаш, ёшларнинг бандлиги ва тадбиркорлигига кўмаклашиш ҳамда уларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш.**

1. Учқўрғон туманидаги 64 та маҳалла фуқаролар йиғинларида фаолият олиб борувчи “Ёшлар ишлари агентлиги вакили” учун малака ошириш ўқув-семинарлари ташкил этиш.
2. “Ёшлар баланси”ни шакллантириш, ёшлар тўғрисидаги зарур маълумотларни “Ёшлар дафтари” ва “Ёшлар портали” электрон платформаларига киритиб бориш, улар билан самарали иш ташкил қилиш.
3. Тумандаги 64 нафар етакчилар учун қулай шароитга эга бўлган хизмат хоналари ва моддий-техник жиҳозлар (мебель, компьютер тўплами, алоқа, Интернет ва бошқалар) билан таъминлаш.
4. Тумандаги ёшлар учун “Ҳар бир оила тадбиркор” дастури доирасида йил давомида 690 нафар ёшларнинг тадбиркорлик лойиҳалари учун 15.769 млрд. сўм кредит маблағлари ажратиш ҳисобига ўртача 800 дан ортиқ янги иш ўринларини яратиш.
5. Тумандаги ёшлар учун “Ҳар бир тадбиркор – ёшларга мададкор” лойиҳаси доирасида 320 нафар ёшларни тадбиркорларга бириктириш.
6. Тумандаги мавжуд хунармандларга 140 нафар ёшларни “устоз-шогирд” йўналиши бўйича хунармандчиликка бириктириш орқали бандлигини таъминлаш.
7. Тумандаги “Ёшлар саноат ва тадбиркорлик” зоналарида лойиҳаларни амалга ошириш ҳисобига 81 нафар ёшлар бандлигини таъминлаш.
8. Тумандаги янги ва бўш иш ўринларига ишга жойлаштириш, ҳақ тўланадиган жамоат ишларига жалб этиш ва ҳорижга ташкиллаштирилган меҳнат миграцияси ҳисобига 1715 нафар ёшларни бандлигини таъминлаш чораларини кўриш.
9. Бандлиги таъминланмаган ёшларнинг 26 нафарига субсидиялар ажратиш орқали бандлигини таъминлаш.
10. Маҳаллий бюджетларда шаклланган қўшимча манбаларнинг камида 15 фоизи миқдорида маблағларни ҳар чоракда “Ёшлар дафтари”га киритилган ёшларни қўллаб-қувватлаш жамғармасига ажратилишини қатъий таъминлаб бориш.
11. Ёшларни касб-хунарга ўқитиш ва қайта тайёрлаш мақсадида ташкил этилган “Ишга марҳамат” мономарказлари орқали ёшларни касб-хунарга ўргатишни йўлга қўйиш. Бу орқали 660 нафар ёшларни “1+1” лойиҳаси доирасида Савдо-саноат палатаси, Аҳоли бандлигига кўмаклашиш маркази ҳамкорлигида туманда ташкил этилган “IT-school” ва “Моно марказ”ларда касб-хунарга ўқитишга жалб қилиш.
12. “Ёшлар дафтари”га киритилган 50 нафар ёшларни автотранспорт воситалари ҳайдовчилигига ўқитиш.

13. Тумандаги ҳар бир сектор ҳудудидан “Ёшлар дафтари”га киритилган, ишсиз 5 нафардан хотин-қизларга замонавий тикув машиналари ажратиш ва ўзини-ўзи банд қилиш орқали бандлигини таъминлаш. *(жами 20 нафар хотин қизлар бандлиги таъминланади)*
14. Ҳар бир МФЙда тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўймоқчи бўлган 200 нафар ёшлар билан: - “Тадбиркорлик сирлари”, Бизнесга илк қадам” мавзуларида ўқув курсларини ташкил этиш.
15. Ёшларни тадбиркорлик ва ишбилармонликка қизиқтириш ҳамда уларга бундай фаолиятни йўлга қўйишнинг амалий жиҳатларини ўргатиш мақсадида жойлардаги йирик саноат корхоналари, агро ва туризм кластерларига бизнес саёҳатлар ташкил этиш.
16. Бизнесда ва қишлоқ хўжалигида катта ютуқларга эришган, касбининг мукамал устасига айланган машҳур шахслар ва тадбиркорлар, олимлар иштирокида “Муваффақиятга эришиш сирлари”, “Агро марафон”, “Бизнес марафон” лойиҳаларини ташкил этиш.
17. “Ўзбекистон учун 100 ғоя” ва “Маҳалланинг ишбилармон тадбиркори” танловлари, “Бизнесга биринчи қадам” грант лойиҳаси танловларини ташкил этиш.
18. “Ёшлар дафтари”га киритилган 450 нафар ёшларга ижтимоий-иқтисодий ёрдам кўрсатиш орқали муаммоларини ҳал этиш.
19. Ёшлар ишлари агентлигининг маҳаллалардаги вакиллари фаолиятини ривожлантириш мақсадида “Энг намунали ёшлар етакчиси” танловини ташкил этиш.
20. Халқ таълим бўлимига қарашли барча мактабларда 10-11-синф ўқувчилари орасидан тадбиркорлик билан шуғулланиш истагида бўлган ёшларни жалб қилган ҳолда “Бизнес клуб” тўғрақларини ташкил этиш.

**II. Ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, демократик давлат куриш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш жараёнларида фаоллигини ошириш.**

21. “Ёш ҳуқуқшунос”, “Ёш сайловчи”, “Ёш депутат” танлов ва акцияларини ташкил этиш.
22. Умумтаълим мактаблари ва профессионал таълим муассасалари ўртасида “Ёшлар ва қонун” танловини ўтказиш.
23. Ҳуқуқбузарлик содир этишга мойиллиги бўлган ёшлар билан тизимли ишлаш, жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган, ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасаларидан қайтиб келган ёшларнинг ижтимоий-педагогик реабилитация қилиниши ва мослашувига кўмаклашиш.
24. Ёшларни илм-фанга бўлган қизиқишларини янада ошириш мақсадида академик олимлар, етакчи профессор ва доцентлар, илмий ютуқларга эга бўлган иқтидорли, ёш олимларни мактабларда ўқувчилар ёшлар билан учрашувларини ташкил этиш.
25. “Яшил макон” акциясини ташкил этиш.

**III. Ёшларни илм-фанга кенг жалб қилиш, уларнинг интеллектуал салоҳиятини ошириш, иқтидор ва истеъдод эгаларини ғоя ва ташаббусларини қўллаб-қувватлаш.**

26. Туманда “Билимдонлар лигаси” интеллектуал турнирларини ташкил этиш. Жумладан,
  - таълим муассасалари босқичлар,
  - туман босқичи.

27. Халқаро таълим дастурлари (имтиҳонлар) бўйича энг юқори балл тўплаган иқтидорли ёшларга имтиҳон топшириш харажатларини тўлиқ қоплаб бериш.
28. “Бир миллион дастурчи” лойиҳаси доирасида тумандаги ёшларни кенг жалб қилиш. *Шунингдек ўқув марказларида “Темир дафтар”, “Аёллар дафтари” оила фарзандлари ва “Ёшлар дафтари”га киритилган ёшларни бепул ўқитиш.*
29. Тилшунос ва тарихчи Исҳоқхон Тўра Ибрат хотирасига бағишлаб “Ибрат издошлари” номли ёш тилшунослар туман танловини ташкил этиш.
30. Ёшлар ўртасида “робототехника” бўйича “Ёшлар кубоги” мусобақасини ташкил этиш.
31. Корхона, ташкилот, идора ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ўртасида “Заковат” интеллектуал турнирини ташкил этиш.
32. Касб хунар коллежлари ўқувчилари ўртасида “Солиқ билимдонлари” танловини ташкил этиш.
33. Тумандаги умумтаълим мактабларида нутқ маданияти ва нотиклик санъати бўйича ихтисослаштирилган синфлар ташкил этиш. Нутқ маданияти ва нотиклик санъати бўйича туман умумтаълим мактаб ўқувчилари орасида анъанавий (Public speaking contest) танловини ўтказиш.
34. Умумий ўрта, ўрта махсус муассасалари жамаоалари ўртасида “Заковат” интеллектуал ўйинини ташкил этиш ва ўтказиш.
35. Иқтидор ва истеъдодга эга бўлган ногирон ёшларни қўллаб-қувватлаш мақсадида “Эътибордагилар” лойиҳасини ўтказиш.
36. “Ёшлар дафтарига” киритилган ёшлар ўртасида “Зукко китобхон” интеллектуал танловини ташкил этиш.
37. Ўқув муассасаларидаги ўқувчи ёшлар Фан, таълим, адабиёт, санъат, спорт, ахборот-технологиялари йўналишларида “Йил ўқувчиси” кўрик-танловини ташкил этиш ва ўтказиш.
38. “Менинг биринчи китобим” маърифий лойиҳасини ўтказиш. Лойиҳа доирасида талабалар ижод намуналарини тўплам сифатида нашр этиш.
39. Умумтаълим мактабларидаги чакирувга қадар бошланғин тайёргарлик фани бўйича ўқув- моддий техник базасини такомиллаштириш.
40. Махалла ёшлари иштирокида “Миллий ўйинлар ва рақс” ёшлар фестивалини ўтказиш орқали истеъдодли ёшларни танлаб олиш ва рағбатлантириш.
41. Тумандаги мактаб ўқувчилари ўртасида “Камалак юлдузлари”, “Келажак фолклори”, “Йил сардори”, “Йил етакчиси” кўрик танловларини ташкил қилиш.
42. Тумандаги мактаб ўқувчилари ўртасида “Камалак юлдузлари”, “Келажак фолклори”, “Йил сардори”, “Йил етакчиси” кўрик танловларини ташкил қилиш.
43. Иқтидорли ёшларни саралаб олиш мақсадида эстрада ва миллий кўшиқчилик “Менинг санъатим” танловини ўтказиш.
44. Давлат ва хўжалик бошқаруви органларида меҳнат фаолиятини олиб бораётган 5 нафар ёшларни Ёшлар муаммоларини ўрганиш ва истиқболли кадрлар тайёрлаш институтида ўқитиш чораларини кўриш.
45. Давлат ва хўжалик бошқаруви органларида кўп йиллар давомида фидоийлик кўрсатиб меҳнат қилаётган ёш кадрларни раҳбарлик лавозимларига ўстириш чораларини кўриш.

46. Туманнинг 64 та маҳалла фуқаролар йиғинларида фаолият олиб боровчи “Ёшлар етакчи”лари ўртасида “Энг фаол ходим” танловини ўтказиш.

47. Тумандаги чевар, хунарманд, тикувчи, дизайнер, гўзаллик салони мастерлари ўртасида миллий ва замонавий, менталитетимизга мос либосларни кенг тарғиб қилиш хотин қизларнинг кийиниш маданиятига янги услубларини намоён қилиш мақсадида “Ёшлар модаси ва дизайн” танлови ташкил этиш.

48. Ёшларни истеъдодини қўллаб-қувватлаш мақсадида тумандаги Умумтаълим мактаблари ҳамда Болалар мусиқа ва санъат мактабларига 48 та чолғу асбоблари ажратиш.

#### **IV. Ёшлар ўртасида маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш, уларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ва 5 муҳим ташаббус доирасида бўш вақтини мазмунли ташкил этиш**

50. Ёшларни китоб ўқишга қизиқтириш ва интеллектуал салоҳиятини оширишга қаратилган “Ёш китобхон” ва “Ёш китобхон оила” танлови ўтказиш.

51. “Гуллар байрами” халқаро гуллар фестивали доирасида “Ёш гулчилар” танловини ўтказиш.

52. «Vodiy folk» республика фестивалини ташкил этиш.

53. Ёш мақомчилар танловининг туман босқичини ташкил этиш.

54. «Ранглар жилосида — она диёр» расмлар танловини ўтказиш.

55. «Санъатим сенга, обод юртим!» ижодий кўрик-танловини ўтказиш.

56. Болалар ва ёшлар театр жамоалари танловини ташкил этиш.

57. «Ёш ижрочилар» танловини ташкил этиш.

58. «Ёш ҳаваскорлар» амалий санъат кўрик-танловини ташкил этиш.

59. Тумандаги барча таълим муассасаларда туман ҳокими соврини учун ўқувчи ва талабалар ўртасида “Рақс сеҳри” миллий рақслар кўрик-танловини ўтказиш.

60. Ёшлар ўртасида китоб мутолааси ва ўқишга бўлган қизиқишни янада ошириш мақсадида “Ҳар бир оилага маърифат улашиб” ҳамда “Қадрдон мактабимга китоб совға қиламан” лойиҳалари асосида чекка худудлар ва умумтаълим мактабларида китобхонлик акцияларини ҳамда янги китоблар тақдимотларини ўтказиш.

61. Ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, миллий армиямизнинг куч-қудратини кўрсатиш мақсадида “Менинг армиям-менинг фахрим” ёшлар акциясини ўтказиш.

62. Ҳарбий касбни танлаш, миллий армиямизнинг яратилиши ва ривожланиши билан танишиш ҳамда ўз Қуролли Кучларидан ғурурланиш туйғуларини ошириш мақсадида ҳарбий қисмларда умумтаълим мактаблар ўқувчи ёшлари учун “Очиқ эшиклар куни”ни ташкил этиш.

63. “Аскар ва ёшлар” акцияси доирасида туман ва шаҳар марказлар ҳамда маҳаллаларда ҳарбий оркестрнинг концерт дастурини ҳамда ҳарбий техникалар, куч тузилмаларини намойишлари, чиқишларини ташкил этиш.

64. “Генерал ва ёшлар”, “Кўмондон ва ёшлар”, “Куч тузилмалари раҳбарлари ва ёшлар” мавзусида учрашувлар ташкил этиш.

65. Чегара ҳудудда жойлашга умумтаълим мактаб ўқувчилари ўртасида “Ёш чегарачилар” ҳарбий спорт мусобақасини ташкил этиш.
66. Умумтаълим мактаблари ва Профessional таълим муассасалари ўртасида “Ёш кутқарувчи” ҳарбий спорт мусобақасини ташкил этиш.
67. Умумтаълим мактаблари ва Профessional таълим муассасалари ўртасида “Ёш гвардиячи” ҳарбий спорт мусобақасини ташкил этиш.
68. Ҳафтанинг шанба ва якшанба кунлари туман Маданият бўлимининг театри жамоаси томонидан ёшларни ватанпарварлик, меҳнатсеварлик ва садоқат руҳида тарбиялашга қаратилган спектакллари намоёишини ташкил этиш.
69. Касб-хунар мактаблари ўртасида “Қувноқ ёшлар” қувноқлар ва зукколар танловини ўтказиш.
70. Амир Темур таваллудининг 686 йиллиги муносабати билан “Амир Темур – фахримиз, ғуруримиз!” мавзусида профессионал таълим муассасалари ўртасида иншолар танловини ўтказиш.
71. Профessional таълим муассасалари ўртасида мини футбол (ўғил-болалар) ва волейбол (қиз-болалар) спорт турлари бўйича “Ёшлар кубоги” спорт мусобақаларини ташкил этиш.
72. Ёшлари ўртасида спортнинг стол-теннис тури бўйича “Агентлик кубоги” спорт мусобақасини ташкил этиш.
73. Маҳалла ёшлари иштирокида “Street workout” бўйича туман чемпионатини ташкил этиш.
74. Ҳафтанинг ҳар сешанба ва жума кунлари 18 ёшгача бўлган ўсмирларни вилоят ҳудудида жойлашган 3 та музейларга ташриф буюришини ташкил этиш.
75. Туман маданият бўлимида ташкил этилган “Ёшлар клуби” аъзолари иштирокида туманнинг чекка ҳудудларида театрлаштирилган концерт томошаларини ташкил этиш ва ўтказиш.
76. Туманда ташкил этилган ёшлар ҳаваскорлик “Ёшлар театр” студиялари томонидан умумтаълим мактаблари ҳамда маҳаллаларда спектакллар ташкил этиш.
77. Ҳудудларда барпо этилган Хотира майдонларида учрашувлар ва маданий-маърифий тадбирлар ташкил этиш.
78. Туман марказий маданият марказида иқтидорли ёшлардан иборат ташкил этилган “Бойчечак” болалар, “Парвоз” ўсмирлар, “Ифтихор” ёшлар ижодий жамоаларини концерт дастурлари ташкил этиш ва ўтказиш.
79. Тумандаги мавжуд маданият ва истироҳат боғи ҳамда чекка ҳудудларда ҳар ойда бир маротаба ёшлар учун ҳарбий ватанпарварлик тадбирларни ташкил этиш.
80. Уюлмаган ҳамда профилактик ҳисобда турувчи ёшлар билан “Эр йигитни, эр йигитга айтган гапи таъсирли бўлади” шиори остида ҳарбий қисмларда бир кунлик ҳарбий-ватанпарварлик тадбирларини ўтказиш.
81. Умумтаълим мактабларининг 10-11 синф ўқувчилари ўртасида “Темурбеклар” ҳарбий-спорт мусобақаларини ўтказиш.
82. МК “Ватанпарвар” ташкилоти туман кенгаши билан ҳамкорликда ёшлар ўртасида пневматик милтиқдан ўқ отиш бўйича “Туман ҳокими кубоги” учун “Ёш мерганлар” мусобақасини ташкил этиш ва ўтказиш.
83. Ҳарбий қисм ва муассасаларга “Ҳарбий қисмда бир кун” лойиҳаси доирасида ўқувчи-ёшлар учун очиқ эшиклар кунини ўтказиш.
84. 8 март халқаро хотин-қизлар байрамига боғишланган, қизлар ўртасида бадминтон, стол теннис бўйича “Нафосат олами” спорт мусобақаларини ўтказиш.

85. Мини футбол, стол тенниси, енгил атлетика, шахмат спорт турлари бўйича “Биз обод ва озод юрт фарзандларимиз” шиори остида мусобақалар ташкил этиш.

#### **V. Ёшлар инфратузилмаларини ривожлантириш**

86. Ёшларни бўш вақтини мазмунли ўтказиш истеъдодларини қўллаб-қувватлаш мақсадида Учўрғон миллий ва олимпия спорт турларига ихтисослаштирилган давлат мактаб интернатининг мавжуд биноларини реконструкция қилиш ва 200 ўринли ётоқхона биносини қуриш.

87. Ёшларнинг спорт билан шуғулланишлари учун маҳаллий бюджетнинг орттирилган қисми маблағлари ҳисобидан туман марказида намунали тарзда 1 та “Street Workout” мадончаси барпо этиш.

88. Тумандаги “Ёшлар маркази”ни қуриш ва фойдаланишга топшириш.

89. Учқўрғон туман марказий кўчаларида ташкил этилаётган 3,5 км бўлган юриш, югуриш ва велосипедда ҳаракатланиш учун “Саломатлик йўлаклари”ни фойдаланишга топшириш.

90. Тумандаги маҳаллаларда ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этишга қаратилган 74 та I тип, 8 та II тип, 3 та III типлардаги ёшлар комплексларини барпо этиш.